

10-02/316-son

23 may 2025 yil.



"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари
Р.Сулаймонов

Навоий вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш

БАЁНИ

2025 йил 23 май

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: **Р.Сулаймонов** – Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари

Таклиф этилди: **У.Абдуллаев** – Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи
А.Тухтаев – вилоят адлия бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ижросини назорат қилиш шўбаси бошлиғи

Қатнашдилар: Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари ва ходимлари, туман, шаҳар ҳокимлари, корхона ва ташкилот ҳамда муассасалар раҳбарлари
(рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 майдаги 57-сонли Раёсат мажлис баёни тўғрисида;

2. Навоий вилояти ҳокимлиги, вилоят корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлигида “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларнинг ижросини таъминлаш тўғрисида.

(Р.Сулаймонов, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, С.Мирзаев, М.Мамадиярова Ш.Намозов,
.....Р.Сулаймонов)

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Р.Сулаймонов) сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 майдаги 57-сонли раёсат мажлис баёнида йўл қўйилган камчилик ва топшириқларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Жумладан, Раёсат мажлис баёнида 2025 йилнинг январь-апрель ойларида вазирлик, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар масъул этиб белгиланган ва ижро муддати келган 22 918 та топшириқларнинг 22 866 таси (99,8%) бажарилган ҳамда 52 таси (0,2%) бажарилмаган.

Ижроси таъминланмаган **52 та** топшириқларнинг таҳлилига кўра, Навоий вилояти асосий ижрочи бўлган **5 та** (*4 та топшириқ қурилиш комплексида, 1 та топшириқ Инвестиция комплексида*) топшириқ ижроси таъминланмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва қайта-қайта огоҳлантиришларга қарамасдан **вилоят ҳокимининг ўринбосарлари томонидан топшириқлар ижроси етарлича ташкил этилмапти** ҳамда ишни тўғри режалаштирмаслик ва барвақт ташкил этмаслик натижасида **топшириқларнинг ижроси таъминланмасдан қолмоқда.**

Шунингдек, Раёсат мажлис баёнида қўйидаги топшириқлар белгилаб берилган:

Навоий вилояти ҳокими (Турсунов) ижро интизоми таъминлаш борасида аниқланган камчиликларни сабабларини пухта ўрганиб, таҳлил қилсин ва бартараф этиш чораларини кўрсин;

келгусида бундан ҳолатларни олдини олиш бўйича **вилоят ҳокимининг ўринбосарларига** қатъий ва таъсирчан **чоралар белгиласин;**

амалга оширилган ишлар натижаси тўғрисида жорий йилнинг **20 майга қадар** Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиш бўйича алоҳида тўхталиб ўтди.

Бундан ташқари, Жорий йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ўтказилган **4 та** йиғилиш (*2025 йил 17 март куни ичимлик суви ва иссиқлик таъминотини яхшилаш, маҳаллаларни обод қилиш, шунингдек баҳорги экин экиш бўйича 15-сонли, 2025 йил 27 март куни давлат мулкни хусусийлаштириш бўйича 16-сонли, 2025 йил 9 апрель куни ҳудудларнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, хорижий давлатлар билан амалга оширилаётган инвестициявий лойиҳаларни жадаллаштириш бўйича 17-сонли ҳамда 2025 йил 18 апрель куни ишлаб чиқариш, экспорт ва тадбиркорликни рағбатлантириш, савдо ва саноат сиёсати самарадорлигини ошириш бўйича 18-сонли*) баёнларида Навоий вилояти тегишли бўлган жами **44 та** (*Иқтисодиёт комплексида 13 та, Қурилиш комплексида 17 та, Инвестиция комплексида 11 та ва Қишлоқ хўжалиги комплексида 3 та*) топшириқ мавжудлигига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Бугунги кунда, Давлат раҳбари томонидан ўтказилган **4 та** (*15, 16, 17, 18-сон*) йиғилиш баёни бўйича ижро муддати май ойи якунигача бўлган **19 та** (*5 та*

Сулаймонов, 5 та Камолов, 6 та Гаффаров, ва 3 та Ҳикматов) топшириқлар мавжуд. Бундан **13 та** (4 та Сулаймонов, 3 та Камолов, 3 та Гаффаров ва 3 та Ҳикматов) топшириқ **бажарилган**, май ойи якунигача бажарилиши лозим бўлган **6 та** (1 та Сулаймонов, 2 та Камолов ва 3 та Гаффаров) топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича индивидуал ишлар олиб бориш ва ойнинг **25-санасига қадар** якунига етказиш вазифаси қўйилди.

Навоий вилояти ҳокимлиги асосий ижрочи бўлган май ойида назоратда турган **жами 142 та** (30 та Сулаймонов, 27 та Камолов, 6 та Гаффаров, 14 та Ҳикматов, 45 та Ходжаев, 10 та Мирзаев, 2 та Мардонов, 7 Шарипов, 1 та Хасанов) топшириқлардан **132 таси** (93%) (29 та Сулаймонов (96,7%), 23 та Камолов (85,2%), 6 та Гаффаров (100%), 14 та Ҳикматов (100%), 42 та Ходжаев (93,3), 9 та Мирзаев (90%), 2 та Мардонов (100) ва 7 та Шарипов (100) бажарилиб назоратдан олинди, ойнинг 25-санасига қадар бажарилиши керак бўлган **10 та** (1 та Сулаймонов, 4 та Камолов, 3 та Ходжаев, 1 та Мирзаев ва 1 та Хасанов) топшириқлардан, **2 та** (1 та Камолов ва 1 та Хасанов) доимий тусдаги топшириқлар ижроси бўйича маълумотлар электрон тизимга киритилган бўлиб, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг ижобий хулосалари олинди, **8 та** (1 та Сулаймонов, 3 та Камолов, 3 та Ходжаев ва 1 та Мирзаев) май ойида бажарилиши лозим бўлган топшириқлар борлиги айтиб ўтилди.

Юқорида айтиб ўтилган топшириқларни ойнинг **25 санасига қадар** тўлиқ яқунлаб, электрон тизимдан чиқариш зарурлиги барча масъул ҳоким ўринбосарлари, котибият мудирлари ва ташкилот раҳбарларига қатъий белгилаб берилди.

Жорий йилнинг июнь ойида Навоий вилоятига тегишли бўлган **759 та** (шундан асосий ижрочи бўлган **292 та** (61 та Сулаймонов, 88 та Камолов, 14 та Гаффаров, 30 та Ҳикматов, 58 та Ходжаев, 24 та Мирзаев, 1 та Мардонов, 2 та Яхшиликков, 5 та Бобомуродов, 5 та Шарипов, 1 та Хасанов, 1 та Раубаева ва 2 та Фармонов)) топшириқларни борлиги, ушбу келаётган июнь ойидаги топшириқларнинг сони кўплигини инобатга олиб, ҳозирдан ишларни бошлаш кераклиги бўйича барча масъулларга топшириқ ва кўрсатмалар бериб ўтилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси (Магруппов) томонидан ижро учун юборилган топшириқлардан **4 та** қарздорлик мавжуд бўлиб, шундан, Инвестиция масалалари котибиятида **2 тадан**, Туризм ва Ижтимоий масалалар котибияти **1 тадан** топшириқ ижроси таъминланмаган.

Ҳукумат комиссияси томонидан келиб тушган топшириқлар ижроси юзасидан ҳам **11 та** қарздорлик мавжуд. Шундан, **8 таси** Инвестиция комплексида, **3 таси** Ижтимоий комплекси томонидан топшириқ ижроси таъминланмаган.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушган ҳдфу грифли топшириқларнинг **3 тасининг** ижроси вилоят ҳокимлиги котибияти ва таркибий бўлинмалар томонидан таъминланмаган.

Хусусан, Қурилиш, Ижтимоий ва Қишлоқ хўжалиги комплексларида **1 дан** қарздорлик мавжуд.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосарларига “**edo.ijro.uz**” электрон тизими орқали ижро учун юборилган топшириқлардан **19 тасининг** ижроси таъминланмаган.

Бажарилмаган **19 та** топшириқлар комплекслар кесимида таҳлил қилинганда (*Иқтисодиёт комплексида 1 та, Қурилиш комплексида 4 та, Қишлоқ хўжалиги комплексида 1 та, Ижтимоий комплексида 4 та, Туризм комплексида 1 та, Хотин-қизлар комплексида 1 та, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида 1 та ва Ташкилий-кадрлар гуруҳида 6 та*)ни ташкил этади.

Бундан ташқари, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларга “**edo.ijro.uz**” электрон тизими орқали ижро учун юборилган топшириқлардан **64 тасининг** ижроси таъминланмаган.

Жумладан, ички ишлар бошқармасида **17 та**, Қора кўл уюшмада **11 та**, Маданий мерос, Соғлиқни сақлаш ва Нефтбаза МЧЖларда **4 тадан**, Иқтисодиёт ва молия, Миллий электр тармоқлари ва Автомобил йўллари бошқармаларида **3 тадан**, Ўзагролизинг, давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, Оила ва хотин-қизлар, Савдо-саноат палатаси ва Транспорт бошқармаларида **2 тадан**, Давлат активлари, Экология, Ягона буюртмачи хизмати ИК, Насос Стансиялари ва Ўсимликлар карантини бошқармаларида **1 тадан** топшириқ ижроси таъминланмаган.

Туман (шаҳар) ҳокимликларига ижро учун юборилган топшириқларнинг **36 тасининг** ижроси таъминланмаган.

Асосий қисми, Хатирчи туманида **16 та**, Нурота туманида **6 та**, Навбаҳор туманида **5 та**, Кармана туманида **4 та** Навоий шаҳарда **2 та**, Ғозғон шаҳар, Учқудуқ ва Конимех туманларида **1 тадан** топшириқ ижроси таъминланмаган топшириқ мавжуд.

Юқорида келтириб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва тегишлилиги бўйича топшириқлар ижросини белгиланган муддатларда таъминлаш мақсадида, йиғилиш,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 майдаги **57-сонли** Раёсат мажлис баёни ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 15 майдаги **57-сонли** Раёсат мажлис баёни кўрсатиб ўтилган камчиликларни **уч кун муддатда** бартараф этиш чорасини кўрсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йил март-апрель ойларида ўтказилган йиғилишлари бўйича тасдиқланган **15, 16, 17, 18-сон** баёнлари ижросини алоҳида назоратга олиб, **режа-график** асосида **индивидуални** ишлаш тизимини ташкил этсин ҳамда май ойи якунига бўлган **6 та** топшириқларни **25 май санасидан** кечиктирмасдан ижросини таъминлаш чорасини кўрсин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)нинг вилоятда ижро интизомини таъминлаш ва самарадорлик кўрсаткичларини ошириш борасидаги танқидий топшириқлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

5. Вилоят ҳокими ўринбосарлари ва ҳокимликнинг таркибий бўлинма раҳбарлари қуйидаги:

уч кун муддатда

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**edo.ijro.uz**” тизими орқали вилоят ҳокимлигига келиб тушган ва ижроси таъминланмаган топшириқлар ижросини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ёрдамчисининг ижроси таъминланмаган топшириғи ижросини таъминлаш;

- Ҳукумат комиссиясининг ижроси таъминланмаган топшириқлари ижросини таъминлаш;

- ҳдфу гирфли остида келиб тушган ва ижроси таъминланмаган топшириқлар ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Вилоят ҳокими ўринбосарлари ва ҳокимликнинг таркибий бўлинма раҳбарлари қуйидаги:

Бир ҳафта муддатда

- Жорий йилнинг июнь ойидаги жами **759 та** (*шундан Навоий вилояти асосий ижрочи бўлган 292 та*) топшириқларни вилоят ҳокимининг ўринбосарлари ва котибият мудирлари билан биргаликда бирма-бир таҳлил қилиш;

- Вазирлар Маҳкамасининг топшириғига асосан июнь ойида муддати келадиган топшириқларни **йўл харита** ва **календар режасини** тасдиқлаш бериш;

- белгиланган муддатларда бажарилмаслик хавфи мавжуд бўлган топшириқларни аниқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги **ПҚ-5132-сонли** қарори билан белгиланган тартиб асосида, топшириқнинг муддатини узайтириш ёки назоратдан олиш бўйича тегишли таклифларни **Адлия вазирлигига** киритиш;

Бунда, комплекс зиммасида бўлган барча топшириқларни муддати якунланишини кутмасдан қайта таҳлилдан ўтказиб, қуйидаги чоратадбирларни белгилаб олсин.

топшириқлар ижроси ва назоратини **“кунбай”** ва **“соатбай”** муҳокамасини ташкил этсин.

тизимга янги киритиладиган топшириқлар ижросини самарали ташкил этиб, ходимларнинг масъулиятини ошириш ва ижросини муддатидан олдин таъминлашни йўлга қўйсин.

ҳар бир топшириқни мукамал ишлаб, вилоят адлия бошқармасининг масъул ходимлари билан ҳамкорликда тасдиқловчи ҳужжатларини **“edo.ijro.uz”** тизимга киритсин.

топшириқлар ижросини таъминлашдаги мавжуд муаммоли масалаларни тегишли бошқарма ва ташкилот раҳбарлари ва масъул ўринбосарлари билан бандма-банд муҳокамасини ўтказиб, ижросини таъминлаш ва тизимга юклаш вазифалари юклатилсин.

барча ҳоким ўринбосарлари ва таркибий бўлинма ходимлари иштирокида кунлик муҳокама қилиб бориш тизимини йўлга қўйсин;

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоят корхона, ташкилот ва муассасалари туман ва шаҳар ҳокимликлари вилоят ҳокими томонидан **“edo.ijro.uz”** ‘электрон тизими орқали юборилган топшириқларни **3 кун муддатда** ижросини таъминлаб электрон тизимга киритсин.

келиб тушган топшириқлар ижроси таъминланиши юзасидан ҳар ҳафта якунида туман (шаҳар) ҳокимининг биринчи ўринбосарлари ҳузурида танқидий муҳокама этилиб, доимий равишда масъулиятсизликка ва сусткашликка йўл қўйиб келаётган масъулларга нисбатан жиддий чоралар кўрилсин.

8. Вилоят ҳокимлиги ижро интизоми назорати бўлими **Ш.Намозов:**

ҳар ҳафтанинг душанба куни **“Ҳокимлик соати”** ва ҳафтанинг жума куни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳузурида ижро интизоми бўйича муҳокамаларда муддати май ойида келадиган ҳар бир топшириқ бўйича **масъул ижрочиларни ҳисоботини танқидий эшитиб, муҳокама қилган ҳолда уларни ижросини ўз вақтида таъминлаш чорасини кўрсин** ва ишларни кунбай ишлаб чиқилган **календар-графиклар** асосида ташкил этсин.

9. Мазкур йиғилиш баёнида берилган топшириқларнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокими ўринбосарлари ва таркибий бўлинма раҳбарлари зиммасига юклансин.

Баённомани расмийлаштирди:



М.Рашидов

